

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУМЛИ ЧЎЛ ЎЛКАЛАРИДА МИЯ
ИНСУЛЬТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШИДА ЁШ ВА
ЖИНСНИНГ АХАМИЯТИ**

Киличев И.А., Матёкубов М.О., Матризаев М.Б.

ТТА Урганч филиали

Маълумки, инсултларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар конституциявий яъни ўзгармас (модификацияланмайдиган) ва ўзгарувчан (модификацияланадиган) турларга бўлинади. Ўзгармас хавф омиллари (ёш, ирсият, жинс, ирқ) ўзгарувчан (чекиш, семизлик, алкоголизм, қон томирлари атеросклерози, гиперхолестеринемия, юрак ритмининг бузилиши, артериал гипертензия ва бошқ.) хавф омилларига ўз таъсирини ўтказди деб ҳисобланади.

Инсон ҳаётининг турли даврларида организмнинг функционал хусусиятларига кўра, организмга таъсир қилувчи антропосоциал таъсирлар, гендер фарқлар, ўзгарувчан хавф омиллари, турли ёш гуруҳларидаги эркак ва аёлларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, буни цереброваскуляар касалликларни даволаш ва профилактика жараёнларида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот мақсади- Мия инсултлари сабаблари ва хавф омилларини *турли ёш гуруҳларида жинсга боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш*.

Материал ва методлар: тадқиқот БМҚАЎБ таъхиси билан РШТЁИМ Хоразм филиалида стационар даволанган 348 та беморда ўтказилди. Шундан эркаклар 209 (60%), аёллар– 139 (40 %). Беморларнинг ўртача ёши 57,3 (эркаклар – 56,7, аёллар – 58,2) ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси: Тадқиқотлар шуни кўрсатдики мия инсулти кўпинча 60-70 ёш (43,4%) ва 45-59 ёшли (40%) беморларда кузатилиб, меҳнатга яроқли (20-59) ёшдагиларда 52,6 фоизни ташкил қилди.

Эркакларда кўпроқ 45-50 ёшда (43,5%) кузатилиб меҳнатга яроқли ёшдагиларда 55,9 фоизни ташкил қилди.

Аёлларда эса кўпроқ 60-74 ёшда (46,8%) кузатилиб, меҳнатга яроқли ёшдагиларга нисбатан 60 ёшдан катталар устунлик қилди (52,6%).

Инсулт турига боғлиқ ҳолда таҳлил қилганимизда мия инфаркти 284 (81,6%), мияга қон қуйилиши 47 (13,5%) ва субарахноидал қон қуйилиш 17 (4,9%) беморда кузатилгани маълум бўлди.

Мия инфаркти 45-59 ёшда 41,5% ва 60-74 ёшда 41,5% кузатилиб, шундан 59 ёшгача бўлганлар 54,4 фоизни ташкил қилди.

Мияга ва субарахноидал бўшлиқга қон қуйилиши эса 45-59 ёшда 51,1% ва 60-74 ёшда 58,8% кузатилиб, шундан 50 ёшдан катталар 53,2 фоизни ташкил қилди.

Аёлларда мия инфаркти асосан 60-74 ёшда (47,0%) кузатилган ва мос равишда 60 ёшдан катталар сони устунлик қилди. Мияга ва субарахноидал бўшлиқга қон қуйилиши ҳам 60 ёшдан катталарда кўп учраган(мос равишда 46,5% ва 57,1%).

Эркакларда эса аёллардан фарқли равишда ёшроқ пайтида кўп кузатилган 45-59 ёшда (45%), меҳнатга яроқлилиқ даврида 58,2 фоизни ташкил қилган. Мияга ва субарахноидал бўшлиқга қон қуйилиши эса аёллардаги каби кўпроқ 60 ёшдан кейин кузатилган(мос равишда 57,9% ва 60,0%).

Мия инсультагининг асосий сабабчиси гипертония касаллиги бўлиб 56,4% ни, атеросклероз 21,2% ни, гипертонияни атеросклероз билан қўшилиб келиши 12,8% ни, ревматизм, мия томирлари аневризмаси, қандли диабет ва бошқалар 9,6% ни ташкил қилди.

Эркакларда ҳам аёлларда ҳам гипертония касаллиги кўпроқ 45-59 ёшда кузатилган (мос равишда 56,6% ва 49,3%). Гипертонияни атеросклероз билан қўшилиб келиши иккала жинсда ҳам 60 ёшдан кейин кўп кузатилган.

Шундай қилиб текшириш натижасида мия инсультаги келиб чиқишида ёш ва жинсга боғлиқ хусусиятлар аниқланди:

- **мия инсультаги кўпроқ эркакларда кузатилиб -60% ва улар меҳнатга лаёқатли ёшда касалланишган (59 ёшгача, 55,9%), аёлларда эса кўпроқ 60 ёшдан кейин кузатилар экан— 52,6%;**

- **мия инсультагининг ишемик тури кўпроқ меҳнатга лаёқатли ёшда кузатилса (54,5%), геморагик инсулт 60 ёшдан кейин (53,2%);**

- **мия инфаркти аёлларда кўпроқ 60 ёшдан кейин учрайди, эркакларда эса меҳнатга лаёқатли ёшда – 58,2%;**

- **геморагик инсулт эркакларда ҳам аёлларда ҳам 60 ёшдан кейин кўп кузатилар экан;**

- **мия инсультагининг асосий сабабчиси меҳнатга лаёқатли ёшда гипертония касаллиги бўлиб, 60 ёшдан кейин атеросклерозни гипертония билан қўшилиб келиши хисобланади;**

- **турли ёш гуруҳларидаги мия инсультагида жинсинг ахамияти катта бўлиб, буни клиник амалиётда эътиборга олиш зарур.**